



АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИ - ЎҚУВЧИЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Хамраева Сайера Ўлмасовна

Мухаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялар
университети Самарканд филиали академик лицей директори
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8405862>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-September 2023 yil
Ma'qullandi: 28-September 2023 yil
Nashr qilindi: 30-September 2023 yil

KEY WORDS

компетенция, компетентлик,
ахборот компетентлик,
ахбороткоммуникация
технологиялари, мактаб.

ABSTRACT

мақолада ўқувчиларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг методик жиҳатлари ўрганилиб, ишчи таъриф қабул қилинган. Ахборот компетентлигини ривожлантириш жараёнини мустақил ҳаётий фаолият давомида ахборотлар билан ишлаш каби ёндашув асосида ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Компетенцияларни шакллантириш ҳам ўқув фанларини ўрганиш дарслари орқали амалга оширилади. Ўқитишнинг анъанавий синф-дарс технологиясининг имкониятлари, анъанавий дарс технологияси бир хил ёшдаги ўқувчиларнинг гуруҳ бўлиб, бутун мактаб даврида ўзгармаслиги ва уларнинг бир вақтда бир хил нарсани ўрганишлари, дарс одатда битта ўқув фанига ва унга тегишли мавзуга бағишланган бўлиб, ҳамма бир вақтнинг ўзида айнан бир хил материал устида ишлаши, ўқитувчи ўз фани бўйича ўқувчиларни эришган натижалари бўйича баҳолаши, дарслик ва ўқув дастури ўқувчи ўрганиши лозим бўлган ахборот ҳажмини белгилаши каби ташкилий аломатлардан иборат бўлади.

Анъанавий синф - дарс технологиясида дидактик мақсадларига кўра, дарсларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: ўқувчини мавзуга олиб кириш дарси; янги мавзунини ўрганиш дарси; ўрганилган янги материални мустақамлаш дарси; билим ва кўникмаларни қўллаш дарси; билим ва кўникмаларни текшириш ва коррекциялаш дарси; аралаш ёки комбинацияланган дарслар. Анъанавий синф - дарс технологиясининг амалга оширишнинг методик ўзига хослиги шундаки, ўқувчининг ҳоҳиши ва истаги ҳисобга олинмайди. Унда авторитар ўқув устун туради. Ўқитувчи томонидан марказий бошқарув амалга оширилади ва ўртача ўқийдиган ўқувчига мўлжалланган бўлади. Билимларни ўзлаштириш методи қуйидагиларга асосланади: тайёр билимлар бериш; намунага кўра ўқитиш; индуктив логикага, яъни, хусусийдан умумийга йўналтириш; ахборотни ҳикоя қилиш, суҳбат ўтказиш, вербал баён қилиш; натижалар ташқаридан баҳоланади, яъни, боланинг ўзи-ўзига баҳо бермасдан, ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда, ўқувчи дарсга ажратилган вақтнинг кўп қисмини жим ўтириб фаолиятсиз ўтказиши. Маълумки, инсон ҳаётига кириб келадиган ҳар қандай янгилик унда сергакликни, ҳаттоки, норозиликни уйғотади. Шунга кўра, узоқ йиллар давомида

анъанавий усуллар билан ишлаб келган педагоглар, бугунги куннинг ўзидаёқ компетенциявий ёндашув асосида дарсларни ташкил этишга ва янги таълим технологияларига ўта олмайдилар.

Компетенциявий ёндашув асосида такомиллашган давлат таълим стандартлари (ДТС) асосида дарс ўтиши керак бўладиган ўқитувчилар янги талаблар асосида машғулотларини ташкил эта олишлари учун вақт ва шароит зарур бўлади. Компетенциявий ёндашувга асосланган стандарт талабида эса боланинг атрофидаги оламни ўрганишга бўлган мотивациясини кучайтириш, унга мактабдаги машғулотлар – ҳаётдан четда қолган билимларни ўрганиш эмас, балки, бир умр ҳаётда яшаш учун фойдали ахборотларни излаш, уни англаш ва реал ҳаётда қўллаш олиш учун тайёргарлик эканини ўқитиш керак бўлади. Шунга биноан замонавий дарсга тайёрланиш ва ўтказишда ўқитувчининг ва ўқувчининг фаолияти ўзгаради. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳар бир босқич синчиклаб таҳлил қилинса маълум бўладики, замонавий типдаги дарсга тайёрланишнинг технологик жараёни анъанавий дарснинг технологик жараёнига таянади. Фарқи шундаки, ўқитувчи энди ҳар бир босқичда шаклни, иш усулини, мазмунни, ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш усулларини ва бошқаларни танлашда танқидий ёндашиши керак бўлади. Чунки, дарс жараёни ўқувчиларда таянч ва фанга оид умумий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган бўлади.

Замонавий дарсга қандай талаблар қўйилади:

- талаб даражасида жиҳозланган фан хонасида яхши ташкил этилган дарс яхши бошланиб, яхши тугаши лозим;
- ўқитувчи дарснинг мавзусини, мақсад, вазифаларини аниқ белгилаб, ўзининг ва ўқувчининг фаолиятини режалаштириши керак;
- дарс муаммоли ва ривожлантирувчи бўлиб, ўқитувчининг ўзи ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлашга йўналган бўлиши ҳамда ўқувчиларни ўқитувчи ва синфдошлари билан ҳамкорликда ишлашга йўналтира олиши керак;
- ўқитувчи муаммоли ва изланувчан вазиятларни ташкил қилиб ўқувчиларни фаоллаштириши зарур;
- ўқувчилар ўзлари хулосалар чиқариши керак;
- минимум репродукция (ўрганганларини такрорлаш), максимум шахсий ва бошқалар билан биргаликда ижодий ишлаш;
- вақтни тежаш ва соғлиқни асраш;
- қайта (тескари) алоқа (қайта алоқа усулларининг ривожланган тизими ёрдамида ўқиб-ўрганиш жараёнини доимий равишда назорат қилиш).

Барча ўқув фаолияти ҳаракатли (фаолият билан боғлиқ) ёндашув асосида қурилиши керак. Ўқувчи таълим жараёнининг жонли иштирокчиси бўлиши керак. Сир эмас, бугунги кунда баъзи бир ўқувчиларнинг дарс давомида борлиги ҳам сезилмайди. Бола ўқув материални пассив ҳолатда қабул қилса ривожлана олмайди. Айнан шахсий ҳаракат, келажакда унинг мустақиллиги шаклланиши учун асос бўлиши мумкин. Демак, таълимий вазифа ўқувчининг ҳаракатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни ташкил этишдан иборат.

Мактабларда шакллантирилаётган электрон таълим муҳити ўқувчиларнинг ҳаракатларини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган шарт-шароитлардан бири

бўлиб ҳисобланади. Масофавий таълим технологиялари бугунги кунда мактаб амалиётига фаол жорий этилмоқда ва электрон таълим муҳити мактабда ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг асосий элементи сифатида қаралмоқда, шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчи бутун ўқиш даврида электрон таълим ресурсларига, шу жумладан электрон кутубхона тизимига шахсан чексиз кириш имконига эга бўлиши лозим [1:2:3].

«Электрон ахборот-таълим муҳити» тушунчасини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи дастурий, ахбороттехник, ўқувметодик тизимлар мажмуидир, деб таърифлаш мумкин. Электрон ахборот-таълим муҳити қуйидаги типологик белгиларга кўра тавсифланади:

1) ҳар қандай даражадаги электрон ахборот-таълим муҳити тизимлилик табиатига эга мураккаб тузилмали объект бўлиб ҳисобланади;

2) электрон ахборот-таълим муҳитининг яхлитлиги тизимлиликка эришиш тушунчаси билан бир маънони, уларнинг уйғунлигини англатиб, ўқув муассасаси битирувчисининг шахсий ва касбий моделини амалга оширишдаги таълим-тарбия мақсадларини ўзида мужассамлаштиради;

3) электрон ахборот-таълим муҳити таълим ва тарбия ишларининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил бўлиши билан бирга унинг воситаси ҳамдир.

Шу билан бир қаторда, ахборот-таълим муҳитини таърифлашда қуйидаги а ўзаро фарқ қилувчи қарашлар мавжуд: шахс билан таълим муҳитининг субъект сифатида узвий боғланган ахборот,– техник, ўқув-методик таъминотнинг тизимли ташкиллаштирилган мажмуаси; анъанавий ҳамда электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар,– тақсимланган маълумот базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари интеграцияси асосида қурилган ягона ахборот таълим муҳити “Электрон таълим муҳити” атамаси билан биргаликда “Компьютерли таълим муҳити” атамаси ҳам ишлатилади [1;2].

Компьютер таълим муҳитининг яралиши таълим тизимини технологиялаштиришни, уни компьютерлаштиришни тақозо этди. Ишлаб чиқиш босқичи – ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари. Йигирма биринчи аср бошида таълим тизимининг очиқлиги, унинг оммавийлиги, Интернет тармоғи кенгайишининг очиқлиги билан боғлиқ ҳолда электрон ва аралаш ўқитиш (e-learning, blended-learning) парадигмаси устунлик қила бошлади. Психологикпедагогик тадқиқотларда қайд этилишича, айнан электрон инқилоб – таълим йўналишига эга электрон муҳитлар юзага келиши ва ривож топиши сабабларидан биридир.

Бу далил компьютер ва электрон таълим муҳитлар функционал характеристикаларини фарқлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Таъкидлаш жоизки, аввалги ўқитиш жараёнида компьютер фақат иллюстратив функцияни бажариш учун ишлатилган, шунингдек, турли операцияларни автоматлаштирилган ҳолда бажаришга кўмаклашган. Техника ва технология тараққий этгани сари унинг имкониятлари ҳам кенгая борди. Таълимни компьютерлаштириш муаммоларига бағишланган замонавий ишларда компьютердан фақат қўшимча иллюстратив ўқитиш воситаси сифатида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслиги баён этилган.

Таълим жараёнининг якуний мақсади ва мазмуни сақланиб қоладиган интерфаол

Ўқитиш ахборотни узатувчи, ахборотни қабул қилувчи, таълим олувчилар тайёр билимларни ўзлаштирадиган пассив шаклларни ахборот алмашилиш, ўзаро таъсирлашув ва ўзаро бир-бирини тушунишни ўз ичига оладиган билимларни тайёр ҳолда қабул қиладиган эмас балки, унга таълим олувчиларнинг ўзлари мустақил эришадиган мулоқатли, билиш, қидирув каби кўринишларга ўзгартиради. Таълимни рақамлаштириш шароитида ўқув жараёнида амалга ошириладиган интерактивлик таълимнинг тармоқ технологияси ҳолига асосланган. Замонавий Интернетда асосий эътибор у томонидан таклиф этиладиган хизматлар асосида таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасида ўзаро таъсирлашувни ташкил этишга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Захарова И.Г. Формирование информационной образовательной среды высшего учебного заведения: автореферат диссертации на соискание ученой “Raқamli iqtisodiyot” ilmiy-elektron jurnali | №1-son | 2022 123 степени кандидата педагогических наук: 13.00.01/Моск. гос. лингвист. ун-т. – Тюмень, 2003. – 46 с.
2. Морковина, Э.Ф. Развитие информационной компетентности студента в образовательном пространстве: дис.канд. пед. наук: 13.00.01. – Оренбург, 2005. – 212 с.
3. Туракулов О.Х. Ахборотлашган таълим муҳитида кичик мутахассислар тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш. Пед. фан. док. дис. автореф. Т. 2017. – 60 б.
4. Бурнашев В., Холматов Ж. Математическое моделирование гидродинамических процессов многофазной фильтрации в нефтяном пласте при его заводнении //Research and education. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 137-154.
5. Yusupbekov, N., Gulyamov, S., Khojiev, N., & Ergashev, S. (2021). Exerget analysis of energy technological installations. InterConf.
6. Karshiyev A.A., Sobirovich E. G. Information for students competence development methodological features //Thematics Journal of Education. – 2022. – Т. 7. – №. 3.
7. Каршиев А.А. Ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантиришнинг даражавий тузилмаси //инновации в педагогике и психологии. – 2021. – Т. 4. – №. 4.
8. Тавбоев Сирожиддин Ахбутаевич; Мамараимов Аброр Камолиддин ўғли. (2022). Некоторые методы и задачи цифровой обработки и распознавания изображений. International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research, 1(2), 334–339. Retrieved from
9. Abdukarimov Abdumannop Abdurahimovich, Mamaraimov Abror Kamoliddin o'g'li. (2022). Sanoq sistemalarida vaqt tushunchasi. International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research, 1(2), 331–334.